



Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАХАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 130 (12.943)

Баҳоси эркин нарҳда

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



«Туркистон» саройида олий таълим муассасаларида тахсил олаётган иқтидорли ва ижтимоий фаол талаба-ёшлар фестивали якунига бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

ЭРТАНГИ КУН БИЗНИКИ, МАРРА БИЗНИКИ!

Унда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши раиси Б.Ганиев ва бошқалар Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида ёшларнинг пухта билим олиши, иқтидор ва қобилиятини тўла намойиш этиши, жамиятда ўз ўрнини эгаллашга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Олий ва ўрта махсус таълим, Маданият ва спорт ишлари вазирликлари, Ўзбекистон Фанлар академияси ҳамкорлигида ташкил этилган «Талабалар фестивали» ана шу эзгу мақсадларга хизмат қилмоқда. 2008 йилдан буён ҳар икки йилда ўтказиб келинаётган мазкур фестивал ёшларнинг талабалик даврини мазмунан янада бойитиш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашда муҳим аҳамият касб этаётди.

Илмий-ижодий, ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий, маданий, спорт-соғломлаштириш характерига эга бўлган мазкур форумда мамлакатимизнинг барча ҳудудидан беш юз нафардан ортиқ талаба-ёш иштирок этди.

Фестиваль доирасида йилгит-қизлар турли соҳадаги билимларини бойитиш, ватанпарварлик туйғуси ва маънавиятини юксалтириш, жамоат ишларидаги фаоллигини рағбатлантириш, ўзаро илмий-ижодий ҳамкорлик муҳити,

дўстлик алоқаларини шакллантиришга хизмат қиладиган қатор лойиҳаларда иштирок этди.

— Ушбу фестиваль барча ёшлар қатори менга ҳам унутилмас дамларни туҳфа этди, — дейди Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети талабаси Моҳиҳебра Ашурова. — «Ўзбекистонда баркамол авлодни тарбиялаш масалалари» мавзусидаги илмий-амалий конференцияда умумтаълим мактабларида инглиз тилини ўқитишда замонавий технологиялардан самарали фойдаланишга доир ташаббусларни илгари сурдим. Тадбирларда янги дўстлар орттирдим. Бугун тенгдошларим орасида мустақил ҳаётга дадил қадамлар билан кириб келаётган, ўз кучи, билими ва салоҳиятига ишонган, буюк келажакни барпо этишга қодир, дунёқараши кенг, фикри теран йилгит-қизлар кўп эканидан фар-ифтиҳор туйдим. Бу мамлакатимизда баркамол авлодга таянадиган эркин ва фаровон ҳаёт барпо этиш йўлида мустахкам пойдевор яратилганидан дарах беради.

— Техника тараққий этган даврда яшамиз, — дейди Тошкент давлат аграр университети талабаси Жаҳонгир Хидиров. — Илм-фан ютуқларидан фойдаланмаслик, илғор технологияларни ҳаётимизга кенг татбиқ этмаслик ижобий натижаларга олиб келмайди. «Мунозара» турнирида жамоаси билан

мана шу масалага эътибор қаратдик. Турнирда ғолибликни қўлга киритдик. Бу бизга янада куч-ғайрат бағишлайди.

Тадбирда фаол иштирокчилар диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланди. Улар орасида Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети талабаси Азиза Илбасхонова ҳам бор. У «Uz» доменини ривожлантиришда ёшларнинг ўрни» мавзусида ўтказилган давра суҳбатида фаол иштирок этгани учун тақдирланди.

— Бугун интернетда барча маълумотлар мавжуд, ундан қандай фойдаланиш эса ўзимизга боғлиқ, — дейди Азиза. — Шу боис глобал тармоқнинг ёшлар учун мўлжалланган сегментини кенгайтириш, ахборот маконида миллий руҳдаги сайтларни қўлайитириш, бу борадаги билим ва кўникмаларимизни бойитиш, интернетдан фойдаланиш маданиятимизни юксалтиришга қаратилган ушбу давра суҳбати бугунги замон талаби асосида ташкил этилган муҳим тадбирлардан бири бўлди. Унда ёшлар порталларини қўлайитириш, уларнинг мобил иловаларини яратиб, турли оммабоп сайтларга жойлаштириш бўйича билдирган таклифларим мутахассисларда қизиқиш уйғотди. Ахборот-коммуникация технологияларидан самарали фойдаланиш, интернет орқали бўладиган ахборот хуружлари ҳақида тушунчамизни янада бойитганимиз тадбирнинг аҳамиятини янада оширади.

Фестиваль якунида таниқли эстрада хонандалари иштирокидаги концерт дастури ёшларга катта завқ бағишлади.

Дилшод КАРИМОВ,
ЎЗА МУХБИРИ

МАДРИДДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ САРМОЯВИЙ САЛОҲИЯТИГА БАҒИШЛАНГАН ТАҚДИМОТ БЎЛИБ ЎТДИ

Мамлакатимизнинг Испаниядаги элчихонаси томонидан «Испан брендлари» форуми билан ўзаро ҳамкорликда ташкил этилган ушбу маросимда Испания тадбиркорлари Ассоциацияси, Саноат асбоб-ускуналари ишлаб чиқарувчилари уюшмаси ҳамда тўқимачилик саноати, қишлоқ хўжалиги, машинасозлик, қурилиш ва бошқа соҳаларга ихтисослашган йирик компанияларнинг вакиллари ҳозир бўлдилар. Унда Ўзбекистон томонидан «Ўзмарказимпэкс» ва «Ўзинтеримпэкс» давлат ташқи савдо компанияларининг вакиллари иштирок этдилар.

Тадбир чоғида испаниялик тадбиркорлар Ўзбекистоннинг 2014 йилдаги ижтимоий-иқтисодий ривожланиши тафсилотлари ҳамда 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устуворликлари билан яқиндан танишдилар. Шунингдек, мамлакатимизда ҳаётга тадбиқ этилаётган кенг қамровли ислохотлар ва ҳукм сураётган қўлай сармоявий муҳит ҳақидаги маълумотлар ҳам уларнинг эътиборига ҳавола қилинди. Шу ўринда мамлакатимизда ташкил этилган махсус индустриал ҳудудлар ва уларда амалга оширилаётган истиқболли лойиҳаларга, хорижий сармоядорлар учун тақлиф этилаётган кенг қамровли имтиёз ва преференцияларга, шунингдек, чет эллик сармоядорларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга йўналтирилган чора-тадбирларга алоҳида эътибор қаратилди.

«Ўзмарказимпэкс» ва «Ўзинтеримпэкс» давлат ташқи савдо компанияларининг вакиллари испан ишбилармон доираларини ўз компаниялари фаолиятининг асосий йўналишлари ҳамда республикамизнинг тўқимачилик ва озиқ-овқат саноати соҳаларидаги сармоявий лойиҳалари билан яқиндан таништиридилар.

Тақдиротда асосий маъруза билан иштирок этган «SERCOBE» компаниясининг Шаркий Европа ва МДХ мамлакатлари бўйича директори Э.Родригез ўз чиқишида Ўзбекистоннинг иқтисодийёт соҳасида қўлга киритган муваффақиятларига юқори баҳо берди. У тадбир иштирокчиларининг эътиборини «Навоий» эркин индустриал-иқтисодий ҳудуди ва «Ангрен» махсус индустриал зонасида ҳукумат томонидан хорижий сармоядорлар учун тақдирот этилаётган солиқ имтиёзларига қаратди. Э.Родригез юртимизнинг жўғрофий жihatдан қўлай жойлашгани ҳамда 280 миллион аҳоли истиқомат қиладиган Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари бозорларига бож тўловларисиз чиқиш имкониятини қайд этди. Унинг фикр билдиришича, бундай қўлайликлар ишлаб чиқарувчиларга ўз маҳсулотларини катта ҳажмларда ва қисқа муддатларда сотиш имконини беради.

«Испан брендлари» форумининг халқаро лойиҳалар бўйича директори П.Вергас «Жаҳон» ахборот агентлигига берган интервьюси чоғида Ўзбекистон ва Испаниянинг ўзаро манфаатли ҳамкорлик учун катта салоҳиятларга эга эканлигини қайд этди. Унинг эътирофи айтишича, Ўзбекистонда ҳар томонлама қўлай бўлган солиқ имтиёзлари амал қилмоқда, муваффақиятли бизнес олиб бориш учун зарур шaroитлар яратилган. П.Вергас Ўзбекистон иқтисодиётининг тўқимачилик ва озиқ-овқат саноати, қишлоқ хўжалиги ва фармацевтика соҳаларидаги лойиҳаларни амалга ошириш юзасидан Испанияда катта қизиқиш мавжуд эканлигини маълум қилар экан, ўз мамлакатини компанияларини Ўзбекистондаги бизнес лойиҳаларда янада фаол иштирок этишга чақирди.

— Компаниямиз энергетика соҳасидаги лойиҳаларда катнашишдан манфаатдордир, — деди «Inael Electrical System» компанияси президенти Ф. Гароз. — «Навоий» эркин индустриал-иқтисодий ҳудуди ва «Ангрен» махсус индустриал зонасида яратилган қўлайликлар чет эллик инвесторлар иштирокида муваффақиятли бизнес юритишга қўмаклашди. Ҳозирги пайтда биз электр анжомлари ишлаб чиқариш бўйича қўшма корхона тузиш масаласи юзасидан музокаралар ўтказиш учун Ўзбекистонга боришни режалаштирмоқдамиз.

«Ingeteam» компаниясининг тижорат бўйича директори А.Торре Ўзбекистон бугунги кунда иқтисодиётнинг изчил ривожланиб бораётган тармоқларига ҳамда ўсувчан истеъмол бозорига эга эканлигини айтди.

— Иқтисодий соҳада олиб борилаётган ислохотлар сармоя ётқишиш ва муваффақиятли бизнес юритиш учун қўлай шaroитларни яратди, — деди у. — Бундай шaroитларда Испания компаниялари ўзбекистонлик шериклар билан ҳамкорлигини йўлга қўйишдан манфаатдордирлар.

«Жаҳон» АА
Мадрид



МАМЛАКАТИМИЗДА

● Самарқанд вилоят кўп тармоқли болалар тиббиёт марказида «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия фонди ва Германиянинг «Friedensdorf International» халқаро ташкилоти мутахассислари томонидан бемор болалар тиббий кўрикдан ўтказилди.

● Фарғона вилояти марказидаги Аҳмад Фарғоний номидаги маданият ва истироҳат боғи ҳамда Қувасой шаҳридаги «Кимёгар» оромгоҳида «Гиёҳвандлик — ҳаёт қушандаси», «Гиёҳвандлик — умр заволи» каби мавзуларда ўтказилган маданий-маърифий тадбирлар ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш ва уларни жисмоний тарбия ва спортга жалб қилишга қаратилгани билан аҳамиятли бўлди.

● Хоразм вилояти Шовот туманининг Бўйрачи қишлоғида маданият ва аҳоли дам олиш маркази фойдаланишга топширилди. Мустақиллигимиз шарофати туфайли замонавий ва кўркем қиёфада қайтадан бунёд этилган мазкур масканни таъмирлаш, жиҳозлаш ишлари ҳамда мусиқа асбоблари харид қилиш учун 483 миллион сўм атрофида маблағ сарфланди. Шунингдек, ҳомийлар ҳисобидан марказ атрофи ободонлаштирилди.

● Фарғона шаҳрида Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси сиёсий Кенгаши ижроия кўмитаси ва партиянинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси томонидан «Тадбиркорлар ва фермерлар мулоқот форуми» лойиҳаси доирасида «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари, фермерлар ва ишбилармонларнинг ташқи иқтисодий фаолиятдаги иштирокини кенгайтиришнинг долзарб масалалари» мавзусида амалий мулоқот ташкил этилди.

ЖАҲОНДА

● Google компанияси Gmail почта хизматига хат жўнатилишини бекор қилиш функциясини қўшди. «Жўнатишни бекор қилиш» (Undo Send) тугмаси сўнгги олти йил давомида синовдан ўтказилган. Янги функция Gmailнинг фақат веб-интерфейсида амал қилади. Уни ёқиш учун экраннинг юқори ўнг бурчагидаги тишли гилдиракча тасвири босилади.

● Машҳур агент 007 ҳақида суратга олинган илк фильмда фойдаланилган Rolex Submariner моделидаги 1957 йилда ишлаб чиқарилган соат, Нью-Йоркдаги Christies аукционига 269 минг АҚШ долларига сотилди. Rolex Submariner 6538 модели соат 60-100 минг доллар атрофида баҳоланган. Бироқ аукцион давомида у қўлланганидан тўрт баробар қимматроғига пулланди.

● Porsche компанияси 918 Spyder гибрид машинаси устидаги ишларни якунлади. У 21 ой мобайнида конвейерда эди. Шу давр ичида машинанинг 918 нусхаси терилди, уларнинг барчаси ўтган йилнинг охиридаёқ буюртма асосида ўз харидорини топиб бўлган. Автомобил 887 от кучига эга қурилмали бўлиб, унинг таркибига 4,6 литр бензинли V8 ва иккита электромотор киради. Машина 100 км. масофага 3 литр бензин сарфлайди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

МАЛАКАЛИ ПЕДАГОГ КАДРЛАР — ТАРАҚҚИЁТ ТАЯНЧИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари кўмитаси томонидан олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш борасидаги долзарб масалаларга бағишланган давра суҳбати ўтказилди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари кўмитаси раиси А.Шодмонов, олий ва ўрта махсус таълим вазирининг ўринбосари Б.Усмонов ва бошқалар Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида таълим соҳасини модернизациялаш бўйича амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар жараёнида олий таълим тизими тубдан такомиллашувини таъкидлади.

«Таълим тўғрисида»ги қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури доирасида амалга оширилган изчил чора-тадбирлар натижасида кадрлар тайёрлашнинг самарали миллий модели яратилди. Олий ўқув юр்தларининг моддий-техник базаси мустаҳкамланиб, таълим жараёнига илғор педагогик ва ахборот технологиялари татбиқ этилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2015 йил 12 июндаги «Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони соҳадаги ислохотларни янги босқичга олиб чиқишда дастуруламал бўлаётди.

Мазкур фармон олий ўқув юр்தлари профессор-ўқитувчиларининг касб даражаси ва малакасини муттасил ошириш, уларни замонавий талабларга мувофиқ қайта тайёрлашнинг янада такомиллашган тизимини жорий этишга қаратилган. Шу мақсадда замонавий моддий-техник база, юқори илмий-амалий таърибага эга бўлган ўн бешта етакчи олий ўқув юр்தи олий таълим муассасалари раҳбар ва педагогик кадрларини қайта тайёрлашни ташкил этиш бўйича Таянч олий ўқув юр்தлари сифатида танлаб олинishi белгиланган.

— Эндигида мамлакатимиз олий ўқув юр்தлари раҳбар ва педагог кадрлари камида уч йилда бир марта доимий асосда Таянч олий ўқув юр்தларида ташкил этилган курсларда малакасини ошириши ва қайта тайёргарликдан ўтishi белгилан-

ган, — дейди ЎЗА мухбирига Олий Мажлис қўйи палатасининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари кўмитаси аъзоси А.Қирғизбоев. — Ушбу курсларда мамлакатимиз қонунчилигига киритилган ўзгаришлар, таълим тизимидаги замонавий усуллар, ривожланган мамлакатлар таърибасини ўргатиш, амалиётда улардан самарали фойдаланиш йўллари ўргатилади. Ўқув курслари якунида тингловчилар аттестация орқали сараланади. Бу чора-тадбирлар педагогларнинг касб даражаси, билиминини бойитиш, олий ўқув юр்தларини малакали педагоглар билан таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш, олий ўқув юр்தларида тахсил олаётган ёшларни миллий қадриятларимиз ва бугунги замон талабларига тўла мос келадиган етук мутахассислар этиб тарбиялашга хизмат қилади.

Фармонда замонавий таълим ва инновация технологиялари, илғор хорижий таърибаларни кенг жорий этган ҳолда олий ўқув юр்தлари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш бўйича тегишли тартиб-тамойилларни такомиллаштириш, ўқув режалар, дастур ва услубларни тубдан янгиллаш, ўқитувчиларнинг глобал интернет тармоғи, мультимедия тизимлари ва масофадан ўқитиш усулларидан фойдаланган ҳолда замонавий инновацион педагогика, ахборот-коммуникация технологияларини қўқор эгаллаш, уларни таълим жараёнига фаол татбиқ этиши, чет тилларни ўзлаштириш даражасини ошириш каби замонавий талаблар қўйилмоқда.

Анжуманда фармонда белгиланган устувор вазифаларни ҳаётга татбиқ этиш, олий таълим тизимида амалга оширилаётган ислохотларни янада чуқурлаштириш, ёшларга замонавий билим беришда олий ўқув юр்தларининг раҳбар кадрлари ва педагоглар зиммасидаги вазифалар ҳусусида фикрлашилди.

Баҳор ХИДИРОВА

Ҳиндистонда нашр этиладиган «NRI Achievers» журнали веб-саҳифасида Самарқандда бўлиб ўтажак «Шарқ тароналари» X халқаро мусиқа фестивали мавзусига бағишланган мақола эълон қилинди.

ҲИНД МАТБУОТИ «ШАРҚ ТАРОНАЛАРИ» ХАЛҚАРО МУСИҚА АНЖУМАНИ ҲАҚИДА

Унда мазкур кенг қамровли халқаро маданий анжуманининг ўтказилишидан кўзланган асосий мақсад миллий мусиқа санъатида эришилган муваффақиятларни кенг миқёсда оммалаштириш, халқнинг улугъ аъналарини авайлаб асраш ва ривожлантириш, мусиқа ва вокал йўналишида ижод қиладиган истеъдод эгаларини рағбатлантириш, шунингдек, халқаро ижодий алоқаларни янада кенгайтириш, маданий-маънавий ҳамкорликни мустаҳкамлаш, тинчлик, дўстлик ва бир-бирини тўғри тушуниш ғояларини мадҳ этиш билан изоҳланиши қайд қилинади.

Ҳинд нашрининг эътирофи этилиши, ушбу халқаро анжумани жамон мусиқа форумлари қаторидан муносиб ўрнини эгаллаган. Ушбу тадбирнинг ЮНЕСКО шафёлигида ўтказилаётгани ҳамда хорижий мамлакатлар, халқаро ташкилотлар ва машҳур санъат арбоблари томонидан мазкур маданий анжуманга нисбатан

қизиқишнинг тобора ортиб бораётгани юқорида билдирилган фикрни яққол тасдиқлайди.

Мақолада Самарқанд мусиқа фестивали иштирокчиларининг сони ва жўрофияси ҳам тобора кенгайиб бораётганига алоҳида эътибор қаратилган. Шунингдек, ҳозирги пайтда меҳмонларни кутиб олиш ва концерт дастурларини юқори даражада ташкил этишга қизғин ҳозирлик қўриладигани ҳақида атрофича фикр юритилган. «Форумнинг мазмунли ўтказилишини таъминлаш мақсадида Тошкент ва Самарқанд шаҳарлари бўйлаб диққатга сазовор масканлар, таълим муассасалари, миллий ҳунармандчилик, тасвирий ва халқ амалий санъати кўргазмалари билан танишиш, ижодий учрашувлар ҳамда маҳорат дарсларини ўтказиш ҳам режалаштирилган», деб ёзади «NRI Achievers» журнали.

«Жаҳон» АА,
Дехли

Танловлар

ИЖОДИЙ ФАОЛЛИКЛАРИ ЯНАДА ОШДИ

Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази томонидан «Йилнинг энг яхши тўғарак раҳбари» кўрик-танловининг Республика босқичи ташкил этилди.



Кўрик-танловнинг ҳудудий босқичларида 2 мингдан зиёд тўғарак раҳбарлари қатнашганлигини таъкидлаш жоиз. Республика босқичида иштирок этган тўғарак раҳбарлари 2 кун давомида 4 та шарт бўйича беллашди. Иштирокчиларнинг маҳоратини ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети, Республика таълим маркази, Республика Маънавият тарғибот маркази ҳамда «Камолот» ёшлар иқтисодий ҳаракати Марказий Кенгашининг малакали мутахассисларидан ташкил топган ҳакамлар ҳайъати баҳолаб борди.

— Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази томонидан тизимда фаолият юритаётган тўғарак раҳбарлари ўртасида соғлом рақобат муҳитини шакллантириш, уларнинг фаолиятини янада жонлантириш, ўқувчиларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш ҳамда уларнинг истеъ-

дод ва қобилиятларини аниқлашда самарали натижаларга эришадиган тўғарак раҳбарларининг иш тажрибаларини оммалаштириш мақсадида «Йилнинг энг яхши тўғарак раҳбари» кўрик-танлови ўтказилди. — дейди Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларини ахборот методик таъминлаш хизмати-нинг етакчи услубчиси Замира Азимбаева. — 2014-2015 ўқув йилида тизимда фаолият юритаётган таълим муассасаларида 1.554.178 нафар ўқувчиларга жами 223 та касблар ва 590 та ихтисосликлар бўйича таълим-тарбия бериб келинмоқда. 40187 та фан, 39888 та бадий ҳаваскорлик тўғараклари ва 12528 та спорт секцияларига жалб этилган 1.336.636 нафар ўқувчилар бугунги кунда нафақат Республика, балки халқаро кўрик-танлов ва мусобақаларда ўз иқтидорлари ва қобилиятла-

рини намойиш қилмоқдалар.

Натижаларга кўра, Қарши муҳандислик иқтисодиёт институти қошидаги 3-сонли академик лицейининг тўғарак раҳбари Ойбек Шаропов фахрли биринчи ўринни қўлга киритди. Андижон педагогика коллежининг тўғарак раҳбари Дилдора Абдуллажоновна 2-ўринга, Наманган муҳандислик педагогика институти қошидаги Дўстлик академик лицейининг тўғарак раҳбари Назира Азимова 3-ўринга лойиқ топилди. Шунингдек, танлов иштирокчилари «Энг яхши ғоя муаллифи», «Энг билимдон тўғарак раҳбари» ва «Энг моҳир тўғарак раҳбари» номинациялари бўйича ҳам тақдирланди.

Ғолиб ва иштирокчилар Ўрта махсус, касб-хунар таълими марказининг диплом ва эсдалик совгалари билан тақдирланди.

ЗАМИРА РАҲИМОВА
СУРАТДА: тадбирдан лавҳа

Қонун ва ижро

ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги ва ошқоралиги улар фаолияти самарадорлигининг муҳим кўрсаткичи бўлиб, давлат органлари ва фуқароларнинг мунтазам мулоқотда бўлишини таъминлайди.

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги ушбу органлар фаолияти устидан ҳаққоний ва самарали жамоатчилик назорати амалга оширилишини таъминлашга хизмат қилади. Шу билан бирга, уларнинг фаолияти, қабул қилган қарорлари тўғрисида фуқароларнинг бевосита хабардор бўлиши ҳуқуқини кафолатлайди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги» таъминлашга хизмат қилаётганини таъкидлади. 2014 йилда «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги қонуннинг қабул қилингани бу борада муҳим аҳамият касб этди.

Президентимиз Ислам Каримов томонидан илгари сурилган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясига мувофиқ ишлаб чиқилган мазкур қонун давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг ошқоралигини таъминлашнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштирди. Аҳоли, жамоат бирлашмалари ва оммавий ахборот воситаларининг давлат ҳокимияти ва бошқаруви

органлари фаолиятига оид маълумотлардан кенг хабардор бўлишга оид ҳуқуқлари кафолатини янада мустаҳкамлади.

Парламент қўйи палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси томонидан қонуннинг моҳиятини ижрочиларга етказиш ҳамда зарур тавсиялар ишлаб чиқиш мақсадида яқинда Фарғона вилоятида давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ҳамда Меҳнат ва аҳолини иқтисодий муҳофаза қилиш вазирлиги тизимидagi ташкилотлар вакиллари иштирокида семинарлар ташкил этилди. Унда аҳолини давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг фаолияти ҳақида тўлиқ ва тизимли равишда ахборотлар билан таъминлашга қаратилган сайтлар фаолияти таҳлил қилинди.

Фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари, олимлар ва экспертлар жойларда очиқликни таъминлашда қонун нормаларидан унумли фойдаланмоқда. Бу жараёнда ахборот хизматлари фаолияти такомиллаштириб, бу тизим орқали аҳоли, фуқаролик жамияти институтлари вакиллари зарур ахборотларни ўз вақтида олиш имконига эга бўлаётди. Замонавий ахборот коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда Ягона портал орқали мурожаат этиш ҳам оммавийлашиб бормоқда.

Семинарда қонунда белгиланган имкониятлардан самарали фойдаланиш, бу борада аҳолининг барча қатлами ҳуқуқий маданиятини янада ошириш зарурлигига эътибор қаратилди.

(ЎЗА)

Ҳозирги кунда юртимизда етти миллиондан зиёд оила мавжуд бўлиб, уларнинг сафи йил сайин ортаётди. Республика «Оила» илмий-амалий маркази томонидан ўтказилган «Оила ва маънавият» номли кичик социологик сўров натижаларига кўра, 92 фоиз оила аъзолари ўзларини соғлом ва бахтли деб ҳисоблайди.

СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИ ЙЎЛИДА

Миллий матбуот марказида ўтказилган «Ўзбекистон оилалари: кеча ва бугун» мавзусидаги матбуот анжуманида «Оила» илмий-амалий маркази фаолиятига доир шу каби қизиқарли маълумотлар берилди. Тадбирда марказ директори вазифасини бажарувчи Ҳафиза Мамадалиева Халқ таълими вазирлиги, Республика Хотин-қизлар қўмитаси, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, «Камолот» ёшлар иқтисодий ҳаракати ва бошқа давлат ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда оилаларда соғлом турмуш тарзини шакллантириш, оила ва никоҳнинг барқарорлигини таъминлаш, ота-онанинг фарзанд тарбияси-

даги масъулиятини ошириш, оилалардаги долзарб муаммоларнинг ечимини топишга кўмаклашиш бора-бора амалга ошириладиган ишларга алоҳида тўхталиб ўтди.

— Юртимиздаги академик лицей ва касб-хунар коллежлари ҳамда ёрдამчи ва махсус мактаб-интернат ўқитувчилари учун Шарқона оила хрестоматияси, оила психологияси факультатив курси бўйича ўқув-услубий қўлланма тайёрланди, — дейди Республика «Оила» илмий-амалий маркази бўлим мудири, психология фанлари доктори, профессор Файрат Шоумарова. — Ўсмир ёшларнинг мустақил ҳаётга тайёрлаш,

шарқона оила негизларини ўргатиш, хонадон аъзоларининг масъулиятини оширишда катталарнинг роли муҳим. Бугунги кунда марказ ва унинг ҳудудий бўлиmlаридagi иқтисодий-психологик хизмат кўрсатиш ходимлари айниқса, ёш оилалар вакиллари билан учрашув, суҳбат ва мулоқотлар ўтказиб, тегишли хулоса, тақлиф ва тавсиялар беришмоқда.

Анжуманда «Оилам — бахту саодатим манбаи» мавзусида ўтказилган селектор-йиғилишининг онлайн тарздаги видеоомлоқоти давомида дунёда ягона бўлган фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш институти — маҳалла қошидаги «Ота-оналар университети» жамоатчилиги тузилмаси, «Ораста қизлар», «Ёш оила қурувчилар мактаби» тўғаракларининг фаолияти, марказнинг ҳудудий бўлиmlари ташаббусидаги «Энг доно оила соҳибни», «Энг ибратли қайнона», «Энг намунали келин» сингари махсус номинациялар хусусида фикр-мулоҳазалар билдирилди. Журналистларни қизиқтирган саволларга жавоб қайтарилди.

Темур ЭШҚУВВАТОВ

Фармон ва ижро

БОЖХОНА ДЕКЛАРАЦИЯСИ:

ЭЛЕКТРОН ШАКЛ АФЗАЛЛИГИ

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси томонидан кўрсатилаётган интерактив хизматлар қўламини кенгайтиб бормоқда. Бунда божхона органларининг моддий-техник базаси мустаҳкамлангани, соҳага замонавий ахборот-коммуникация технологиялари кенг жорий этилаётгани муҳим аҳамият касб этаётди.

Қўмитанинг www.customs.uz веб-сайти орқали божхона соҳасининг турли йўналишлари бўйича ахборотларни вақтида йиғиш, назорат ва таҳлил қилиш, қайта ишлашга мўлжалланган 24 дастур жорий қилинган. Уларнинг барчаси Ягона автоматлаштирилган ахборот тизимига бириктирилган. Муҳими, ушбу дастурий маҳсулотлар миллий ишлаб чиқарувчилар томонидан яратилган.

— Веб-сайтимизда барча турдаги божхона декларациялари ва унга тегишли бошқа ҳужжатларнинг электрон шакллари ҳамда уларни тўлдирish тартиблари жойлаштирилган, — дейди Давлат божхона қўмитаси ахборот хизмати раҳбари Бехзод Бердиев. — Бунда Президентимиз Ислам Каримовнинг 2012 йил 18 июлдаги «Ишбилармонлик муҳитини янада тубдан яхшилаш ва тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони муҳим дастуруламал бўлди.

Фармонга мувофиқ, қўмита томонидан электрон декларациялаш ахборот тизими ишлаб чиқилиб, амалиётга жорий этилди. Ушбу тизим орқали тадбиркорлик субъектлари декларациялар, товар ва транспорт воситаларига оид ҳамда бошқа зарур ҳужжатларни божхона органларига масофадан туриб электрон тақдим этиш имконига эга бўлди. Бу жараёнда аввал мавжуд бўлган ортиқча қорғозбозлик, келиб-кейтиш ёки навабд қуттида вақт йўқотишдек ҳолатлар ёки айрим бюрократик тўсиқлар бутунлай барҳам топди.

Электрон декларациялаш ахборот тизими самарадорлигини ошириш мақсадида интернет тезлиги беш баробар оширилди ҳамда юқори қувватли сервер қурилмалари ўрнатилди. Натижада электрон рақамли имзодан фойдаланган ҳолда божхона юк декларацияларини тақдим этиш имконияти янада яхшиланди. 2014 йилда экспорт-импорт операциялари юзасидан жами 407 мингдан зиёд божхона юк декларациясини расмийлаштирилган бўлса, уларнинг қарийб 99 фоизи мазкур тизим орқали электрон тарзда тақдим этилди.

Ҳозирги кунда эса тадбиркорлик субъектлари божхона органларига умуман келмасдан, фақат интернет орқали божхона расмийлаштирувини тўлиқ электрон тарзда амалга оширмоқда.

2014 йил 31 декабрда божхона назорати ва расмийлаштирувини янада такомиллаштириш, ташқи иқтисодий фаолият иштирокчилари учун қулайлик яратиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Товарларни божхонада электрон шаклда декларациялаш тартиби тўғрисида»ги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори қабул қилинди. Қарорга мувофиқ, электрон декларациялашнинг автоматлаштирилган ахборот тизими орқали хизмат кўрсатиш асослари мустаҳкамланди. Унга кўра, товарларни божхона кўригидан ўтказишда божхона ходими уч соатда уни ўтказиш вақти ва жойи ҳақидаги маълумотлар ёзилган электрон хабарни божхона расмийлаштирувини амалга оширувчи мутахассисга юборади. Электрон декларацияда кўрсатилган маълумотлар божхона кўриги натижаларига мос келганида, расмийлаштириш жараёнлари ўрнатилган тартибда якунига етказилади.

Бу хизматлар ташқи савдо иштирокчилари ва божхона ходимлари учун қатор қулайликлар яратди. Давлат бюджетини тўлдирish ва божхона тўловлари йиғилувчанлигини ошириш, божхона қоидалари бузилиши ҳолатларини аниқлаш ва қантарабда қарши курашишда ҳам бу катта роль ўйнамоқда.

— Божхона органларига татбиқ этилган ахборот-коммуникация технологиялари ўз самарадорлигини кўрсатмоқда, — дейди пойтахтимизнинг Олмазор туманида фаолият юритаётган хусусий тадбиркор Фарход Юсупов. — Электрон декларациялаш тизими амалиётга киритилгунга қадар декларация билан бирга сертификатлар, контракт, товар юк ҳужжатлари каби бир қатор ҳужжатлар қорғозда божхона органларига тақдим этилар эди. Бугунги кунда божхона расмийлаштирувида қорғоз ҳужжатларни тақдим этиш тўхтатилгани сабабли барча ҳужжатлар фақат электрон тарзда тақдим этилмоқда. Бу бизга жуда катта қулайлик ва иқтисодий фойда келтирмоқда.

Чунончи, ахборот-коммуникация технологияларининг татбиқ этилиши натижасида тадбиркорлик субъектларининг вақти ва маблағи тежаслигига эришилмоқда. Хусусан, 2013 йилда тадбиркорлар томонидан божхона юк декларациялари қорғоз бланкаларига 1 миллиард 229 миллион сўм сарфланган бўлса, 2014 йилда қорғоз кўринишда декларациялаш амалиёти тўхтатилгани натижасида бу харажатлар барҳам топди. Божхона тизимида электрон ҳужжат айланиши йўлга қўйилгани натижасида 2014 йилда тадбиркорлар томонидан 60 тоннага яқин қорғоз иқтисод қилинган.

Эътиборлиси, электрон декларациялаш жорий этилиши тадбиркорлик субъектларини ҳимоя қилиш, улар томонидан божхона қоидалари бузилишининг олдини олишга ҳам шaroит яратмоқда. Хусусан, ушбу тизим томонидан берилган оғоҳлантириш натижасида 851 нафар тадбиркорнинг божхона қоидаларини бузишининг олди олинган.

Амалга оширилаётган бу каби чора-тадбирлар мамлакатимиз иқтисодий ҳавфсизлигини таъминлаш билан бирга фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларига кенг қулайликлар яратмоқда. Бу борадаги ишлар қўламини кенгайтиришга қаратилган сазй-ҳаракатлар давом эттирилламоқда.

НОРГУЛ АБДУРАИМОВА,
ЎЗА мухбири

27 июнь — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни

АХБОРОТ ХИЗМАТЛАРИ:

ФАОЛИЯТ ВА САМАРАДОРЛИК

Мамлакатимизда амалга оширилаётган изчил ислохотлар мазмун-моҳиятини кенг оммага етказишда ахборот хизматларининг ўрни ва роли беқийс.

Шу боис барча давлат органларида ахборот хизматлари фаолияти такомиллаштириб борилмоқда. Уларнинг оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлиги натижасида соҳага оид ахборот ва янгиликлар кенг жамоатчиликка ўз вақтида етказилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасида божхона органлари ахборот хизматлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш ва ОАВ билан ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш масалаларига бағишланган семинарда шу йўналишда амалга оширилаётган ишлар ва соҳани янада такомиллаштириш ҳақида сўз юритилди.

Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги билан ҳамкорликда ташкил этилган тадбирда ОАВ ходимлари, олий ўқув юр்தларининг журналистика факультетлари ўқитувчи ва талабалари, видеоконференцалока тизими орқали ҳудудий божхона органлари ахборот хизматлари, маҳаллий таҳрирлардан вакиллари иштирок этди.

Анжуманда божхона органлари мамлакатимиз иқтисодий ҳавфсизлигини таъминлашда самарали фаолият юритаётгани таъкидланди. Соҳадаги ишлар самарадорлигида тизимда очик-ошкораликни таъминлашга бўлган эътибор муҳим аҳамият касб этаётган. Бу тадбиркорларнинг, ташки иқтисодий фаолият иштирокчиларининг тизимга оид қабул қилинаётган қонун ҳужжатларидан, ўрнатилган тартиб-қоидалардан

ўз вақтида хабардор бўлишини таъминлашга, муҳими, уларга амал қилиш масъулияти ортишига замин яратмоқда.

Божхона органлари тизими ахборот хизматлари фаолиятини юқори савияда ташкил этиш учун зарур замонавий моддий-техник база яратилган. Соҳа ходимларининг масъулиятли фаолияти телелавҳа, эшиттириш ва мақолаларда кенг ёритилмоқда. 2015 йилнинг ўтган беш ойи давомида марказий ва маҳаллий босма ва электрон нашрларда олти юзга яқин мақола чоп этилган бўлса, телеканалларда уч юздан ортиқ лавҳа эфирга узатилди. Ўтган ойларида ташки иқтисодий фаолият иштирокчилари, кенг жамоатчилик билан кўплаб учрашувлар ташкил қилинган. Бу борада Андижон, Бухоро, Сурхондарё, Қашқадарё вилоятлари ва Тошкент шаҳар божхона бошқармалари, «Тошкент-Аэро» иқтисослаштирилган божхона комплекси ахборот хизматлари сезиларли натижаларга эришмоқда.

Қўмита расмий веб-сайти орқали интерфаол хизматлар кўрсатиш қўлами тобора кенгайиб бораётган.

Семинар иштирокчилари турли ташкилот ва идоралар фаолияти очиклигини таъминлашда ахборот хизматларининг ўрни, жамоатчилик билан алоқаларни ривожлантириш истиқболлари ва бошқа долзарб мавзулар бўйича фикр алмашди.

(ЎЗА)

Ўзбек халқи азалдан ёши улуг инсонларнинг ҳурматини жойига қўйиб, кексаларга эҳтиром кўрсатиб келган. Жорий йилнинг Президентимиз томонидан «Кексаларни эъзозлаш йили» деб эълон қилинишида ҳам катта маъно мужассам.

2015 йил — Кексаларни эъзозлаш йили

ФАРЗАНД ТАРБИЯСИДА КЕКСАЛАР ЎГИТИГА ҚУЛОҚ ТУТАЙЛИК

Пиру бадавлат отахон-онахонларнинг бой ҳаётий тажрибалари, айтган ўғитлари умр йўлларимизда йўлни юлдузга айланади. Шундай экан, уларнинг айтганларига қулоқ тутиб, жамиятда ҳам, ҳаётда ҳам ўз ўрнимизга эга бўлайлик. Ҳаёт йўлида менга тўғри йўлни кўрсатган кекса бир инсоннинг айтганларини ҳар доим ёдимда тутаман. Айниқса фарзанд тарбияси ҳақидаги қимматли ўғитлар ҳозирги кунда ҳам долзарблигини йўқотмаган.

Оилада соғлом ва баркамол фарзанднинг вояга етишида эр ва хотин ўртасидаги ўзаро ишонч, меҳр-оқибатнинг ўрни катта. Айтишларича, ота-она улуг бир донишманддан «Фарзандимиз тарбияси билан

қачондан шугуллансак бўлади?» деб сўрашибди. Донишманд фарзанд қачон туғилганини сўраб, сўнг шунча вақтга кеч қолибсиз, деган экан. Ёш йигит ва қиз келажакда ота-она бўлишини эътиборга олиб, ўзларига умр йўлдош танлаётган даврда келажакдаги фарзандлари ҳақида ўйлаб кўришлари зарур. Бу борада авлодлардан ўтиб келаятган аjoyиб одатлар жуда катта аҳамиятга эга. Масалан, қудаларнинг йигит ва қиз авлодини суриштириб кўришлари. Авлодда суяк сурайдиган, яъни фарзандларга ўтадиган дарднинг бор-йўқлиги суриштирилади. Бу одат ҳозирги даврда тиббий қўриқдан ўтиш йўли билан тақдорланапти.

Фарзанд баркамоллигида ота-онанинг бир-бирига меҳри жуда муҳим аҳамиятга эга. Хомилдор аёлга турмуш ўртоғи ва атрофдагилар кўрсатган меҳр фарзанднинг ҳаётга меҳрли бўлишини таъминлайди. Бу ҳам фарзанд тарбияси!

Айниқса, отанинг ўз рафиқасининг ишончли суянчиги экани фарзанд иродасини мустаҳкамлайди. Миллатимизнинг бой маданиятига аҳамият берсак, фарзанд тарбиясига эътибор кучли эканини кўрамиз.

Наргис КИРГИЗОВА,
«Ўзбекистон темир йўллари»
акциядорлик жамияти
персоналларни тайёрлаш бўлимининг етакчи мутахассиси

Жамоат транспорти: сизга қандай хизмат кўрсатишмоқда?

Маълумки, ҳукуматимиз томонидан пойтахтда йўловчиларга хизмат кўрсатадиган жамоат транспорти фаолиятини янада яхшилаш мақсадида бир қатор қарорлар қабул қилинган. Унга кўра шахримиз автобус парклари тубдан янгиланиб, хориждан зарур «Мерседес» ва «Хундай» русумли автобуслар келтирилди. Етарли даражада «Исузу», «Отайўл» русумли янги автобусларнинг ҳаракати йўлга қўйилди.

Кўрилган чора-тадбирлар туфайли аҳолига хизмат кўрсатиш тубдан яхшиланди. Бекатларда автобусларнинг кетма-кетлиги 10-15 дақиқага келтирилди. Бундай намунали хизматдан шаҳар аҳолиси ва меҳмонлари беҳад мамнун бўлишмоқда.

Лекин жорий йилнинг 31 майида «Тошхартрансхизмат» АК компанияси ўзининг расмий сайти орқали «Ёқилги олиб келиниши 30% қисқартирилганлиги муносабати билан, автобусларнинг келиш интервал вақти ортиши мумкин. Шу муносабат билан «Тошхартрансхизмат» АК маъмурияти вақтинчалик ноқулайлик туғдирганлик учун сизлардан узр сўрайди» деб хабар тарқатди. Бу каби эълонлар баъзи автобус салонларида ҳам пайдо бўлди. Эълон беҳиз берилмаган экан, бир кунда автобусларнинг ҳаракати жадвали ўзгарди-қолди. Ҳар 10-15 дақиқада келадиган автобусларнинг кетма-кетлиги 30, 40, 50 дақиқа, ҳатто 1 соатга чўзилди кетди. Қатор йўналишли автобуслар кўёш ботар-ботмас ғойиб бўладиган бўлди. Бу ҳолат йўловчиларга бирмунча қийинчилик туғдирди, албатта...

Шу орада «Ўзнефтмахсулот» АК, «Ўзбекнефтегаз» миллий ҳолдинг компанияси жорий йилнинг 8 ва 9 июнь кунлари ўзларининг расмий сайтлари орқали «Тошхартрансхизмат» АК таъминоти учун етарли даражада ёқилги ажратиб

КЕТИ УЗИЛГАН АВТОБУСЛАР



келинаётганлигини маълум қилди. Бир оз таскин топгандек бўлди. «Вақтинчалик ноқулайлик» бартараф этиладиган бўлди, деган ўйга бордик. Лекин чувчарани хом санаган эканмиз. Аҳвол ўзгармади.

Яқинда оқшом соат 20.30 лар чамасида Боғишамол кўчаси бошидаги бекатга келдик. Мўлжалимиз бўйича аввалгидай 5-10 дақиқа ичида 19, 63 ёки 115-рақамли автобуслардан бири кели-

Турин политехника университети қошидаги академик лицейда «Одам савдоси — давр муаммоси» мавзусида ўқув-семинари бўлиб ўтди.

Ёшларга оид давлат сиёсати — амалда

«ЁЗНИ «КАМОЛОТ» БИЛАН!» ЛОЙИХАСИ ДОИРАСИДА

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар Кенгаши томонидан ташкил этилган бир кунлик махсус ўқув-семинари Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти Тошкент шаҳар ҳудудий бўлини маси, «Истиқболли авлод» ёшлар ахборот-маърифат маркази билан ҳамкорликда ўтказилди.

Тадбирда «Ёзни «Камолот» билан!» лойиҳаси доирасида «Одам савдоси — давр муаммоси» мавзусидаги тарғибот тадбирларини маҳаллаларда ташкил этиш мақсадида 50 нафар тарғиботчи ўқитилди.

«Ёзни «Камолот» билан!» лойиҳаси доирасидаги мазкур тарғибот тадбирларини маҳаллаларда ташкил этишда одам савдосининг психологик оқибатлари, мақсадли гуруҳларни қайта йўналтириш механизми, мазкур иллатга қарши курашиш бўйича ўтказилувчи ахборот тадбирларида инновацион технологиялардан фойдаланишнинг янги усуллари, жамоат ташкилотларининг ўрни ва одам савдосига қарши курашиш тўғрисида Ўзбекистон Республикасида қабул қилинган бир қатор норматив ҳужжатларни тарғиботчиларга тушунириш билан бир қаторда уларнинг ҳуқуқий билим ва кўникмалари янада мустаҳкамланди.

Семинар янги методик дастур, янги педагогик технологиялар ҳамда кўргазмалар воситалари асосида «Истиқболли авлод» ёшлар ахборот-маърифат марказининг малакали мутахассислари тингладди.

томонидан олиб берилди.

— Ёз мавсумида ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш, уларни соғлом турмуш тарзи талаблари асосида тарбиялаш, сиёсий-ҳуқуқий ва маърифий дунёқарашларини шакллантириш, хорижда ишлашнинг қонуний асослари ҳамда одам савдосига қарши курашишнинг мазмун-моҳиятини ёшларга тушунириш мақсадида «Ёзни «Камолот» билан!» лойиҳаси доирасида «Одам савдоси — давр муаммоси» мавзусида тарғибот тадбирларини маҳаллаларда ташкил этиш белгиланган, — дейди «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар Кенгаши бўлим мудири, семинар координатори Санжар Саидов. — Мазкур тарғибот тадбирларини ташкил этишда олий таълим муассасаларининг энг фаол талабалари, ўрта махсус, касб-ҳунарга коллеж ва академик лицей етакчиларидан иборат тарғиботчилар гуруҳлари шакллантирилган.

Ўқув-семинарни «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар Кенгаши раиси ўринбосари Акмал Жумабоев очиб берди, «Истиқболли авлод» ёшлар ахборот-маърифат марказининг малакали мутахассиси Шохидда Қосимова ҳамда Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти Тошкент шаҳар ҳудудий бўлини маси мутахассиси Бекзод Султоновларнинг маърузалари тингладди.

Зиёда РАСУЛОВА

ФАОЛ ЎҚУВЧИЛАР ТАҚДИРЛАНДИ

Ёш авлоднинг маънавий-ҳуқуқий етуқлигини ошириш борасида «Камолот» ЁИХ «Ёшлик» талабалар шахарчаси Етакчилар Кенгаши томонидан ҳудудда жойлашган таълим муассасаларида бир қатор маънавий-маърифий тадбирлар ўтказиб келинмоқда. Шундай тадбирлардан бири «Заковат» интеллектуал ўйини ҳисобланади.

«Заковат» ўйинининг финал босқичи Ўзбекистон Миллий университети қошидаги 2-сон академик лицейида ўтказилди. Тадбирда лицейида таълим олувчи иқтидорли 80 нафар ўқувчи-ёш ўзаро беллашди.

— Маълумки, ҳар қандай ривожланган демократик давлат фуқароларининг маънавий етуқлиги унинг сиёсий онги ва ҳуқуқий маданият даражасининг юқорилиги билан белгиланади, — дейди «Камолот» ЁИХ «Ёшлик» талабалар шахарчаси Етакчилар Кенгаши раиси ўринбосари Илҳом Камолов. — Таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда амалга оширилаётган изчил ислохотлар ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларини қамраб олган ҳолда, бугунги кунда ҳаёт суратларининг янги сифат ва ёндашуви уйғунлиги талаби асосида оширилишини таъминламоқда. Кенгашимиз томонидан таълим муассасаларида таҳсил олаётган ёшларни она Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялаш, миллий урф-одат, анъаналаримизни асраш ва юксалтириш, ёш авлоднинг қалби ва онгини турли зарарли ғоя ва мафқуралар таъсиридан сақлаш, ҳимоя қилиш, ёшларнинг бўш вақтларини унумли ва сермазмун ўтказишлари, ўз истеъдодларини намоён этиш, билим олиш ва ўз устиди ишлашлари учун кенг имкониятлар яратиб бериш борасида самарали ишлар олиб берилмоқда.

Мазкур тадбирни «Камолот» ЁИХ «Ёшлик» талабалар шахарчаси Етакчилар Кенгаши томонидан ташкил этилган «Сардорлар Кенгаши» аъзолари олиб борди.

Қўтаринки рўнда ўтган тадбир сўнггида фаол иштирок этган ва турли қизиқарли саволлар йўллаган ўқувчилар ташкилотчиларнинг ёздалик савгалари билан тақдирланди. Ўйлаймизки, бу каби тадбирлар ўқувчи-ёшларнинг вақтларини унумли, мароқли ва файзли ўтказишлари, уларнинг онги ва маънавиятининг юксалишига замин яратиши, шубҳасиз.

БИЛИМЛАРИНИ БОЙИТДИЛАР

Олмазор туманидаги «Қорасарой» маҳалласида жойлашган 159-умумтаълим мактабида «Ёзни «Камолот» билан!» лойиҳаси доирасида «Тилларни ўрганимиз» деб номланган тадбир ташкил этилди.

Унда ўқувчилар инглиз ва рус тиллари бўйича билимларини янада бойитиш имконига эга бўлдилар. «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Олмазор туман Кенгаши томонидан ташкил этилган мазкур тадбирда тумандаги «Қорасарой», «Гуручарик», «Тараққиёт» маҳаллаларидаги 120 нафардан ортиқ вояга етмаган ёшлар ҳамда ижтимоий ҳимояга муҳтож оила фарзандлари таҳсил олишди.

— Ўқувчиларда катта қизиқиш уйғотган мазкур тадбир барчага манзур бўлди, — дейди «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Олмазор туман Кенгаши раиси Дилора Мелдебекова. — Кенгашимиз томонидан ёз мавсумида ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш, уларни соғлом турмуш талаблари асосида ва ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, болаларнинг хорижий тилларни мукаммал ўрганишга бўлган қизиқишларини шакллантириш ҳамда маънавий ҳордиқ олишларини ташкил этиш мақсадида кўплаб ишлар амалга оширилмоқда.

Зарина РУСТАМОВА

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ТАДБИРКОРЛАР ДИҚҚАТИГА!

Тошкент шаҳар Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси томонидан ҳафтанинг ҳар шанба кунини бошқармада тадбиркорлик субъектлари фаолиятига қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида «Тадбиркорлар куни» деб белгиланди.

Тадбиркорлар билан мулоқот малакали мутахассислар билан бошқарма биносидан соат 10.00дан 13.00гача бўлиб ўтади.
Манзил: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 2А-ўйининг биринчи қавати.
Бошқарма маъмурияти.

Эркин УБАЙДУЛЛАЕВ

Бешинчи босқич: викторина давом этади!

«СИЗ ТОШКЕНТНИ БИЛАСИЗМИ?»



Савол:

«Жар» спорт-соғломлаштириш мажмуаси қачон барпо этилган?

Мустақил Ўзбекистонимиз танлаган ўз тараққиёт йўлидан дадил одимлаб, юксак марраларни эгалламоқда. Истиқлол йилларида Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимизнинг барча ҳудудларида бўлгани каби, пойтахтимиз Тошкент шаҳрида ҳам улкан бунёдкорлик ишлари олиб борилди ва изчил давом эттирилмоқда. Барпо этилаётган маданий-маъмурий иншоотлар, турар жойлар, йўллар ва кўприклар, хибонлар, фавворалар, қайта таъмирланиб, янгича ҳусну тароват касб этган қадимий обидалар, қадамжолар гўзал ва бетакрор шаҳримиз кўрғига кўрк қўймоқда.

Пойтахтимиз жамолини кундан кунга ояётган ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларининг катта ижтимоий ва тарбиявий аҳамиятини, кенг кўламли ўзгариш ва янгиланишлар энг буюк неъмат — Мустақиллик берган имкониятларнинг амалдаги самараси эканини, ватанпарварлик она юртни ўрганишдан бошланишини инобатга олиб, Тошкент шаҳар ҳокимлиги ва «Тошкент оқшоми» —

«Вечерний Ташкент» газеталари таҳририяти «Сиз Тошкентни биласизми?» викторинасини ўтказмоқда.

Викторинада барча газетхонлар, пойтахт аҳолиси ва меҳмонлар ёши ва маълумотидан қатъий назар, иштирок этишлари мумкин.

Газеталаримизда викторина саволлари эълон қилинади. Кўрсатилган манзилга энг аввал етган тўғри жавоб ғолиб саналади.


Хар ўнга саволдан кейин энг кўп тўғри жавоб йўллаган ғолиб аниқланади.

Ғолибларга қимматбаҳо совғалар топширилади.

Викторинанинг мутлақ ғолиби Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 24 йиллиги арафасида аниқланади.

Викторина жавоблари «Тошкент оқшоми» — «Вечерний Ташкент» газеталари таҳририятига ёки gazeta-vto@mail.uz, info@tashkent.uz электрон манзиллари-га йўлланиши лозим.

Мурожаат учун телефонлар: 233-29-33, 233-29-55, 233-45-84.



ҲАЛОЛЛИК ВА ТЎҒРИЛИК ҲАҚИДА

Хар бир инсон учун ҳалоллик — кўпчилик бахт-саодати учун яшаш, умум иши учун шахсий манфаатдан ҳам кечиш деган сўз.

Умрингни фақат мол учун сарфловчи бўлма.

Инсонлардаги ажойиб хулқлардан бири тўғрилиқдир. Тўғрилик одамдаги ҳамма ишларнинг тартиб ва бир маромда кетишини таъминлайди.

Абу Али ибн Сино айтади:

— Тўғри йўлдан ажралмаслик, инсофи, адолатли, ҳалол бўлиш, нафсининг ҳар орзусини бажо келтирмаслик, олим, фозиллар билан суҳбатдош бўлишлик, катталарга ҳурмат, кичикларга шафқат ва марҳамат қилиш, самимий дўстларнинг маслаҳатлари билан ишга тутиниш, муҳтожларга ёрдам этиш эзгулик маъдани, ҳалоллик белгисидир.

Бир донишманддан:

— Қайси ярамас одат ҳамма яхши хунарни ёпиб қўяди? — деб сўрадилар.

— Бахиллик, — деган жавобни берди донишманд.

Яна сўрадилар:

— Қайси яхши одат ҳамма айбни босади?

— Ҳалоллик ва сахийлик, — деди донишманд.

Бизнинг ҳалоллигимиз ўзимиз ва ўзгаларга нисбатан ҳамиша қаттиқ талабчанлигимиздан иборат бўлмоғи лозим.

Агар одам ҳалолликдан юз ўгирса, шу қадар беҳисоб, ёмон иллатларга берилиб кетадики, оқибат натижада ҳаётнинг нопок йўллари-дан юришга одатланиб қолади.

Ҳалоллик бу ҳаводир. Усиз нафас олиш мумкин эмас.

Ўн хислатни қўлдан бермаслик лозим: тўғрилик, ҳалоллик, инсоф, мулойимлик, қарияларга ҳурмат, кичикларга шафқат, қаноатли бўлиш, вафодорлик, ифбат ва адолат.

Тўрт нарса ҳамма учун керак: саломатлик, гўзал хулқ, ростгўйлик ва ҳалол меҳнат.

Бир донишманд шундай дейди:

— Сен то қувватинг бор экан, доимо ростгўйлик ва тўғрилик йўлини тут. Шунда сен саодат чаманидан муддао гулини терасан.

Тўғрилик, очик юзлик, ҳалол ризқ топишга киришиш, кучи етгунча оиласини танглиқда қолдирмаслик саодатмандлик нишонасидир.

ЎЗГИДРОМЕТ
ХАБАР ҚИЛАДИ

рат кечаси — 19-21, кундузи — 33-35 даража иссиқ бўлади. Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, Тошкент шаҳрида 26 июль 26 июнда Тошкент шаҳри-кунда ҳаво ўзгариб туради, нинг об-ҳаво шароити ша-ёнғир, жала ёғиши мумкин. ҳар ҳаво муҳитида зарарли Ғарбдан секундида 5-10 метр тезликда, кучайган либ кетишига имконият яра-ҳолда секундида 15-20 метр тади, ифлослигини даража-тезликда шамол эсади. Ҳаро-си паст бўлади.

ЁШЛАРИМИЗ ОСИЁ БИРИНЧИЛИГИДА МУНОСИБ ИШТИРОК ЭТИШДИ

Ҳиндистонда эркин, юнон-рум ва хотин-қизлар кураши бўйича ўсмирлар ўртасида ўтказилган Осиё чемпионатида мамлакатимизнинг ёш полвонлари муваффақиятли қатнашишди.

Турнирда спортчиларимиз иккита олтин, тўртта кумуш ва етти та бронза медалини қўлга киритдилар.

Юнон-рум кураши бўйича 69 килограммгача вазн тоифасидаги полвонлар ўртасида ўтказилган беллашуларда Абубакир Алимов барча рақибларини енгиб Осиё чемпиони бўлди. Ўз вазн тоифасида Махмуд Бахшүлаев кумуш, Достонбек Турсунбоев ва Тўрабек Тиркашев бронза медали совриндорига айланди.

Хотин-қизлар кураши бўйича беллашулар ҳам спортчиларимиз учун омадли кечди. Вазни 60 килограммгача бўлган қизлар ўртаси-

да қатнашган Набира Есенбоева шоҳсупанинг энг юқори поғонасидан жой олди. Ҳамюртларимиздан Шаҳодат Жўлибоева 56 килограммгача вазн тоифасида иккинчи, Ақтенге Кейнимжоева 46 килограммгача вазнда учинчи ўринни эгаллаб бронза медали билан тақдирланди.

Эркин кураш бўйича ўтказилган беллашуларда Аббос Раҳмонов ва Рустамбек Жўраев кумуш медали билан мукофотланган бўлса, Ҳасанбой Раҳимов, Бунёд Тожиев, Ислон Илҳомов ва Ғулом Абдуллаевга бронза медаллари топширилди.

Таиланднинг Паттайя шаҳрида шахмат бўйича мактаб ўқувчилари ўртасидаги жаҳон чемпионатида Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилган Жавоҳир Синдоров олтин медални қўлга киритиб, жаҳон чемпионига айланди.

ЖАВОҲИР СИНДОРОВ — ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИ ҒОЛИБИ

Нуфузли мусобақанинг блиц — тезкор шахмат бўйича ўн бир ёшгача бўлган ўғил болалар ўртасидаги беллашуларда иштирок этган Жавоҳир Синдоров етти партияда таиландлик Аморн Жираттаначаро-ен, гонконглик Панг Хо Хуанг, филиппинлик Жастин Мордино, мугу-листонлик Тенгис Цог-Очир, хитой-лик Бокай Янг, малайзиялик Хое Ках Чеахни мағлубиятга учратиб, озар-

бойжонлик Мирмусо Файзиев билан дуранг ўйнади ва 6,5 очко жа-марган ҳолда шоҳсупанинг энг юқори поғонасидан жой олди.

Шунингдек, яна бир шахматчи-миз Ақобирхон Сайдалиев етти ёшгача бўлган ўғил болалар бахси-да етти имкониятдан беш очко жа-марғиб, жаҳон чемпионатининг бронза медалини қўлга киритди.

Абдулазиз МУСАЕВ

Ўзбекистон Республикаси халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган қондаларини тан олган ҳолда, инсониятни фалокатга етказувчи оғу — гиёҳвандлик воситаларининг ноқонуний айланишига қарши самарали чора-тадбирларни амалга ошириб келмоқда. Жумладан, Ўзбекистон наркотик моддаларнинг ноқонуний муомаласига қарши кураш борасида минтақавий ва халқаро миқёсда етакчи ўринлардан бирини эгаллаб турганлигини мамнуният билан қайд этиш мумкин.

Гиёҳвандлик иллоти сабабли оила-ларда руй бераётган фожиялар, эрта ҳазон бўлган умрлар, пешонасига бир умрга «гиёҳванд» тамғаси босилган инсонларнинг аянчли тақдири жаҳон жамо-атчилигини ташвиш-га солиб келмоқда.

Аҳолининг соғли-ғини муҳофаза қилиш ҳар қандай ривожлан-ган демократик дав-латнинг муҳим ижти-моий вазифаларидан бири ҳисобланади. Бу борада Ватани-миз — Ўзбекистонда мустақиллик йилла-рида улкан ишлар амалга ошириб кел-линмоқда. Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини тубдан ислох қилиш доирасида соғлом она ва бола мил-лий модели шакллантирилиб, энди-ликда унинг самарадорлиги бутун дунёда эътироф этилди. Зеро, жами-ят ҳар томонлама етук, соғлом ва бар-камол генофонд асосидагина ривож-ланади, тараққий этади.

«Аср вабоси» дея умумэтироф этилган гиёҳвандлик воситалари бу-гунги кунда халқаро миқёсда милли-онлаб инсонларнинг умрига зомин бўлаётганлиги ташвишли ҳолдир. Зо-тан, гиёҳвандлик воситалари ва пси-хотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилиш инсон соғли-ғи ва ҳаётиёқлигига жиддий таҳдид солади, криминал вазиятга олиб келади, жамиятнинг иқтисодий ва маънавий негизига салбий таъсир

кўрсатади, кўпинча уюшган жиноятчи-лик билан узвий боғлиқ бўлиши унинг ижтимоий хавфлилигини янада оши-ради.

Гиёҳванд воситалари ва психотроп моддалар билан қонунга хилоф равиш-да муомаланинг ортиб бориши гиёҳ-вандликнинг барқарор ўсишига олиб келади ва шунга сабаб бўлади. Ўзбе-кистон Республикасида амалга оши-рилаётган ижтимоий сиёсатнинг мо-ҳияти жамият аъзоларининг осойиш-талигини таъминлаш ва эркин камол топишига қаратилгандир. Шунингдек, ҳар бир фуқаронинг маънавияти ва дунёқарашини давр талаблари асоси-да шакллантириш ҳамда шахс маъна-виятида юзага келадиган турли ил-латларга йўл қўймаслиқни таъминлаш ҳам давлат сиёсатида алоҳида эъти-борга олинган.

Шахс маънавияти-га салбий таъсир этувчи гиёҳвандлик каби иллат ҳамда уни юзага келтирувчи са-баб ва шароитни ту-гатишга давлатнинг алоҳида эътибор қаратаётганлиги ушбу муаммонинг нақадар долзарблигидан да-лолатдир. БМТ ва бошқа халқаро миқёс-даги нуфузли таши-лотлар чиқарган бир қатор норматив ҳуж-жатларда гиёҳванд воситалар билан боғлиқ чекловларнинг давлат миқё-сида амалга оширилиши эътироф этилган ва бу талаблар Ўзбекистон-нинг қонуний ҳужжатларида қайд этилган. Умуман олганда, Ўзбекис-тон Республикасида амалга ошири-лаётган барча ҳуқуқий ислохотлар-нинг бош мақсади инсон ва унинг манфаатларини ҳар томонлама таъ-минлашга қаратилгандир.

Айниқса, шахснинг соғлом камол топиши давлатнинг ижтимоий сиёс-атида марказий ўрин эгаллаган. Чунки унинг маънавий ва жисмоний соғлом камол топишига айтиб ўтил-ган гиёҳвандлик иллоти салбий таъ-сир этади.

Дилфуза БҲОУНОВА,
тиббийёт фанлари номзоди,
доцент

26 июль — Халқаро гиёҳвандликка қарши кураш куни

«АСР ВАБОСИ»ГА ҚАРШИ ДУНЁ ҲАМЖАМИЯТИ БИЛАН

Айниқса, мазкур гиёҳвандлик воси-таларидан жабр кўрувчиларнинг ақса-риятини ёшлар ташкил этаётганлиги янада ачинарли ҳолдир. Ақсарият ҳол-ларда гиёҳвандликка дучор бўлганлар-нинг ёши 16-29 да, хусусан, уларнинг 30 фоизини 24 ёшгача бўлганлар таш-кил қилади. Бу ҳолат эса келажагимиз бўлган ёшларга кўпроқ хавф солиши мумкинлигидан далолат беради.

Кейинги пайтларда жаҳон миқёс-да ўсмирлар орасида наркомания би-лан касалланганлар, юқори малакали тиббий ёрдамга, ижтимоий таъминот-га, тарбияга муҳтожлар сонининг кўпайиб бориши кузатилмоқда. БМТ маълумотида кўра, ҳозирда ер юзида заҳарли оғуни истеъмол қилувчиларин-нинг сони 200 млн.дан ошиб, ундан келаётган ноқонуний даромаднинг миқдори 300 млрд.га етган.

Тошкент оқшоми

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР
ҲОКИМЛИГИ

Манзилимиз: 100029,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-

Бизнинг электрон манзил:
gazeta-vto@mail.uz

Буюртма Ғ- 655

ТЕЛЕФОНЛАР:

Эълонлар: 233-28-95,
факс: (371) 233-29-55

Душанба, сешанба, chorshanba,
пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот бошқармасида
02-1-рақам билан руйхатга олинган

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади.
11711 нусхада босилди.
Қўғоз бичими А-2

Топшириш вақти: 13.00

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимига ёки «Тошкент почта»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Нашр учун масъул
Д. Исроиллов

Босишга топширилди: 14.30

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик
компанияси босмахонаси. Қорхона
манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир
Акмал АҚРОМОВ